*Таълим ва тикланиш*

# ТАРБИЯ ТАЯНЧИ НИМАДА?

## ЁКИ МАКТАБЛАРГА ҚАЙТИНГ, ЭРКАКЛАР

Оила эҳтиёжлари учун у-бу харид қилишга савдо расталарини айланиб юрардим. Бир маҳал «Ҳа домла, тортинг, тортинг» деган овозни эшитиб ёнверимга қарадим. Ёши 45 лардан ошган бир киши қийналганча юк ортилган аравани тортиб келар, ортидан иккита ёш йигит сигарета чекиб ҳар-ҳар замон «ҳа, ҳа домла, тортинг» деганча бироз кулишиб одимлашарди. Афсус, шундай ёшларимиз ҳам учраб туради. Улар кўзланган растага етгунча мен ҳам ёнларида бордим. Аравакаш юкларни тушириб бўлганидан сўнг йигитлардан бири «домла, хизмат ҳақи қанча бўлади?», деб сўради. Шунда у киши «ҳа энди сизлар ўзимизники, бераверинглар-да», — деди. Улардан бири «40 сўм бўладими?» деса, шериги уни сал «сахийроқ» бўлишга ундади:

— Яна бир-икки сўм қўшиб бер, ҳарқалай бегона эмас, сени ўқитган-ку» — деди негадир истеҳзоли кулимсираб. Ўзим ўқитувчи бўлганим учунми, бу ҳол мени бефарқ қолдирмади чоғи, «савдо»дан сўнг йигитлардан у кишининг кимлигини сўрадим. Улар худди қизиқ бир эртак айтгандай гапга киришишди: «Ээ, бу бизнинг мактабдаги жон домламиз бўладилар, ғуж-ғуж билими бор эди. Унинг «уч» баҳосини олиш учун нақ уч кун ухламасдан ўқиш керак эди. Мана, кўриб турибсиз, биз — бизнесмен. Бизни «ўқи-ўқи» деб қийнайвериб, нуқул «ўқишдан бор фойда, мен сенга яхшилик учун айтяпман», дерди. Мана, фойдамизни ўзимиз топиб олдик. У кишига ҳам топиш-тутишида шунақа ёрдам беряпмиз, ҳи-ҳи»...

Бундай ёшларимиз бирдир-иккидир, лекин барибир дилинг хира тортар экан. Ажабо, борингки, бизнесчига бизнесида асқотадиган қўшув, айирув, кўпайтирув дегандек ҳисоб-китоб амалларини ўргатган шу муаллим-устоз эмасми, дейсан киши.

Келинг, яна бир воқеани ҳикоя қилиб берай.

Ойнаи жаҳонда таниқли публицистлардан бирининг муаллифлик кўрсатуви намойиш қилинар эди. Лицей талабаси тенгдошлари қатори мулоҳазага киришди:

— Лицейимизда ҳар йилнинг бир куни ёш ўқитувчилар куни деб аталади. Ўша кун устозларимиз ўрнига қуйи синф ўқувчиларига 5-6 соат дарс ўтамиз. Тўрт-беш соат ўтиб бўлгунча чарчаб, ўқитувчилик касби қанчалик машаққатли эканлигини юракдан ҳис қиламиз. Ва ҳар гал устозларимизга раҳматлар айтамиз.



Кўрсатув орасида билдирилган муаллифнинг яна бир ҳаётий фикр-мулоҳазаси эса жиддий ўйлаб кўрарлик эди, назаримда. У мактаблардан бирига текширишга борганларини, бир ўқитувчининг мактабда савдо-сотиқ билан шуғулланаётганини кўриб, бу ҳақда мактаб маъмуриятига маълум қилишганини сўзлаб берди. Бу масала маъмурият томонидан ҳал қилиниб, чоралар кўрилганлигини айтар экан, «Ўқитувчи мактабда ўқувчилари билан савдо-сотиқ қиляпти. Бу воқеа кишининг кулгисини қистатади, шундай эмасми?» деди.

Бир жиҳатдан муаллиф ҳақ, яъни мактабда савдо-сотиқ билан шуғулланиш ўқитувчига хос иш эмас. Лекин бу ҳолни кўп сонли томошабинларга кулгили деб ҳикоя қилиш у қадар ўринлимикин, чунки бу каби ҳолатлар республикамиздаги барча мактабларда ҳамма ўқитувчилар томонидан содир этиляпти, дегани эмас-ку. Таълим берувчи, баркамол шахс тарбиясига масъул инсонларнинг шаъни-эътибори каттаю-кичикнинг назарида улуғ бўлиб қолиши зарур деб ўйлайман. Зеро, соҳибқирон Амир Темур ҳам вафотидан олдин: «Ўлсам қабримнинг бош томонига устозим Мирсаид Бараканинг ҳокини қўйинглар» — деб васият қилган экан.

Шу ўринда яна бир мулоҳазага тўхталсам.

Тиниб-тинчимайдиган, «тарбияси оғирроқ» ўқувчилардан бири тенгдошларига нуқул «яхшиям мактабимизда эркак ўқитувчилар кам. Эркак ўқитувчилар кўп бўлса биз учун мактабнинг мазаси қочади» дер экан.

Тўғри, эркак киши бир хонадон соҳиби эканлигини оила иқтисоди учун масъуллигини унутиб бўлмайди, албатта. Қандайдир сабаблар билан зиёли касбини «михга илиб», эндиликда турли-туман ишлар билан, кўпроқ савдо-сотиққа ўзини уриб кетган муаллимлар билан кўп суҳбатлашганман. Эҳтимол, эркак ўқитувчиларнинг камайиб кетгани кимгадир ҳеч гап эмасдир. Лекин, эрқак оиланинг устуни деганларидек, кўп сонли ўқитувчи аёллар билан шўх, ўт-олов, турфа табиатли болаларимизни тарбиялаш осон бўлармикин, улар бунинг уддасидан чиқа оладиларми, — деган мулоҳазалар кишини ўйлантиради. Тарбия мустаҳкам бўлса, билим сифати ўз-ўзидан ортаверади. Айтайлик, бизнинг Қўқон шаҳримизда 40 та мактаб бўлиб, бу даргоҳларда жами 3286 нафар ўқитувчи меҳнат қилади, шулардан 2932 нафари аёллар. 354, яъни 2 фоиз эркак муаллимлар бу олийжаноб касб соҳиблари, холос. Тарбия эса қатъийлик, бир қадар қаттиқликни суяди.

Баркамол шахсни тарбиялаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асл моҳияти экан, бунда ўқитувчининг масъулияти қанчалар катта эканлигини илғаш қийин эмас. Бу эса кишида ана шу касб эгаларига нисбатан ён-атрофдаги, шу жамиятдаги барча-барчанинг масъулиятли қараши билан ҳам боғлиқ деган бир мулоҳаза уйғотади.

**Икроржон ЎРОЗАЛИЕВ,**
**ўқитувчи**
**Қўқон шаҳри**

---

*Истиқлол қадри*

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, киши ўз ватанида, тупроғида яшаб турганида унинг қадрига унчалик ҳам етавермайди. Лекин ғурбатда ватан тупроғининг туйғуси, соғинчи ҳар дамда олиб туриладиган нафасдек азиз, зарурроқ бўлиб ўртаб туради.

Советларнинг қаттоллик, ҳақсиз, «қулоқ» қилиш йилларида ватанини тарк этишга мажбур бўлган ҳамюртларимиз чет элларда кўп сарсон-саргардонликлардан кейин қаддини тиклаб олсалар-да, Ватан соғинчи, аччиқ изтиробдан ҳар сония дили вайрон қилиб, ўксиниб яшаганлар. Чунки,

**«Отадан айрилган етти**
**йил йиғлар,**
**Юртидан айрилган**
**ўлгунча йиғлар».**

## ИЛИНЖ

Мустақилликка эришгунимизга қадар бундай кишиларнинг туғилган юртларига келиб-кетишлари учун сира-сира рухсат берилмасди.

Афғонистонда муҳожирликда яшаган ватандошимиз Салимбек ўз укаси қаттиқ ётиб қолганида «онам шўрлик ҳадеб ватан тупроғини беморнинг пешонасига ишқардилар» деб эслайди. (Ҳайтовур, улар кетишида бир сиқим ватан тупроғини олволишни унутмаган эканлар).

Саудияда бу дунёдан кўз юмаётган бир ватандошимизнинг ўтинчи нима бўлибди денг: «Баландроқ жойга кўминглар — юртимдан келадиган шамол тегиб туради».

Шу юртдаги яна бир ватандошимиз бундай деган:

«Андижон тупроғига бир оёғимни қўйиб, иккинчи оёғимни қўймасданоқ жон таслим қилсам ҳам майли эди...»

Туркияда бандаликни бажо келтирган бошқа бир юртдошимиз васият қилиб айтиб қўйганки, «Лаҳадда бошимни Тошкентга қаратиб қўйинглар»!

Бу гаплар ватанидан жудо бўлганликларига ҳали юз йил ҳам ўтмаган кишиларнинг нолалари бўлса, энди бундан қарийб минг йилча аввал юртидан ихтиёрий равишда хижрат қилиб ҳозирги Туркияда туриб қолган кишилардан бири авлодининг орзуси чуқур ўйлатади:

«Бурсел» ширкатининг вакили Салим Каттон ўғли шундай деган экан:

— «Бултур отам 80 ёшга тўлдилар. Шунда мен отамга ҳаж сафарига боришни таклиф этсам, отам:

— Мен ҳали Ўзбекистонга борганим йўқ, Туркистонни кўрмасдан туриб қандай қилиб Маккага бораман? Биз ахир асли туркистонликлармиз. Аввал инсон ўз ватани тупроғини кўрмоғи, уни қўлига олиб кўзига суртмоғи керак. Сўнг эса Маккага борсак бўлади».

Шундан бери мана ўн йилча ўтибди. Отанинг орзулари ушалган бўлсин, дейман беихтиёр.

**Шарафиддин КЎНЧИ**

---

# БИР ДАРЁДАН СУВ ИЧИБ...

## Афғонистон адабиёти ҳақида илк қўлланма

Яқинда таниқли афғоншунос олим, филология фанлари доктори, профессор Абдураҳим Манноновнинг «Афғонистон халқлари фолклори ва мумтоз адабиёти тарихи» ўқув қўлланмаси ўзбек тилида нашрдан чиқди.

Мазкур китоб Шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлари тарихи факултети талабалари, аспирантларига, қолаверса, республикамиз кенг илмий жамоатчилигига, афғоншунос мутахассисларга мўлжалланган.

Ушбу қўлланма китобхонларни Афғонистон адабиётининг йирик бир қисми – шу мамлакатда кенг тарқалган пашту ва дарий тилларидаги халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиётининг энг қадимги даврларидан то XIX аср охирларигача бўлган тарихи, шу даврларда Афғонистонда яшаб ижод этган йирик шоир ва ёзувчиларнинг муҳим асарлари билан таништиради. Айни вақтда қўлланмада Афғонистондаги XVIII-XIX асрлар форсий-дарий адабиёти ҳақида қисқача маълумотлар ҳам берилган.

Маълум ўқув дастури асосида ёзилган бу китоб мазкур адабиётни ўқитиш, ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари, услубий принципларини ифода этувчи 17 мавзуни ўз ичига олган. Шунингдек, Афғонистон адабиётининг Европа ва Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида ўрганилишига алоҳида эътибор берилган. Муаллиф ўз китобида Европа мамлакатлари тилида нашр этилган китоблар ва мақолалар асосида Афғонистон адабиётини ўрганиш жараёнлари, уларнинг босқичлари ҳақида аниқ тарихий мисоллар келтириб ўқувчи диққатини жалб этади.

Шу билан бирга, афғон адабиёти фолклорини ўрганишга катта ҳисса қўшган Россия афғоншунос олимларининг илмий ишлари ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳазаларни илгари суради. Шунингдек, афғон халқи адабиётини тадқиқ қилишга салмоқли ҳисса қўшган Тожикистон, Ўзбекистон олимлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Афғонистонда ўттизга яқин этник гуруҳ, элат ва халқлар яшайди. Улар орасида дарийзабон, паштузабон ва туркийзабон кишилар сон жиҳатидан йирик этник гуруҳлардир. Муаллифнинг таъкидлашича, Афғонистонда яшовчи халқларнинг адабиёти ва фолклорини ўрганиш нафақат илмий жиҳатдан, балки маданий-тарихий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, бу халқлар ва этник гуруҳларнинг адабиёти, айниқса, фолклори қўшни мамлакатлар (Ўрта Осиё, Эрон, Покистон) халқлари адабиёти ва фолклорининг ўзаро

*Адабий алоқалар*

таъсирида ривож топгани, айниқса, Афғонистон ва унга қўшни бўлган халқлар ўртасида қадим замонлардан бери ҳаётий-тарихий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик берувчи материалларни учратиш мумкин.

Қўлланмада Афғонистон паштузабон халқлари фолклорининг насрий ва шеърий асарлари турли манбалар асосида таҳлил этилиб, улардан намуналар келтирилган, уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган. Айни вақтда дарийзабон халқ оғзаки ижодиёти ва уларнинг кўп асрлардан буён мавжуд бўлган турлари, мавзулари ва фалсафий мазмунлари ҳақидаги қизиқарли материаллар билан таниши мумкин.

Пашту ва дарий тилларида келтирилган намуналар уларнинг бадиий қиммати, миллий руҳи ва ўзига хос хусусиятлари сақланган ҳолда ўзбек тилига муваффақиятли ўгирилган.

Афғонистондаги турли элат ва этник гуруҳлар гарчи расмий тил – пашту ва дарийчада ўқиб-ёзсалар-да, аммо улар ўз она тилларида яратилган бой фолклорга эга. Булар ҳам муаллифнинг назаридан четда қолмаган.

Ўқув қўлланмада паштузабон шоирлар: Боязид Ансорий, Арзоний Хешкий, Мирзохон Ансорий, Али Муҳаммад Мухлис, Восил Рўшоний, Карим Рўшоний ва бошқаларнинг афғон адабиёти ривожига қўшган ҳиссалари, айниқса, афғон (пашту) адабиётини юксалишида улуғ хизмат қилган Хушҳолхон Хатак (1613-1689) тўғрисида, унинг адабий мероси ҳақида илмий-назарий қарашлари баён этилган.

Китобда афғон мумтоз адабиётининг юксалишига мўмандлар адабий мактабининг кўрсатган илҳомбахш таъсири ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар юритилади.

Шуни таъкидлаш керакки, атоқли афғоншунос-адабиётшунос олим Абдураҳим Манноновнинг «Афғонистон халқлари фолклори ва мумтоз адабиёти тарихи» асари нафақат мустақил Ўзбекистонимизда, балки Мустақил ҳамдўстлик давлатларида илк яратилган салмоқли қўлланма асардир. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти томонидан чоп этилган ушбу қимматли китоб кўп йиллардан буён даҳшатли биродаркушлик жанглари шароитида, қурғоқчилик, очарчилик, қаҳатчилик муҳитида беҳад азоб чеккан, жанубдаги яқин қўшнимиз – Афғонистон халқларининг адабий, маданий-маънавий меросини тарихий-инсоний қадриятларини ўрганишда ўзига хос муҳим ва олижаноб бир ҳисса бўлиб қўшилажак.

**Маъмуржон НИШОНОВ,**
**Ориф УСМОНОВ**

---

*Кийиниш одоби*

# «АЙЛАНАМАН ШАРҚНИ КЕЗИБ...»

Ривоят қилишларича, учала дўст саёҳатга отланишибди. Улар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир ўрмонга етиб келибдилар. Ўрмонда тунаб, тонг оттирмоқчи бўлишибди. Улар хавф-хатарнинг олдини олиш учун тунни навбатчилик билан ўтказишга келишишибди. Дўстларнинг бири дурадгор, иккинчиси моҳир тикувчи ва учинчиси эса илм соҳиби – тақводор экан. Аввал дурадгор навбатчи бўлибди. Бироз ўтиб уни уйқу элита бошлабди. Унинг кўзи бир дарахтга тушибди. Дарҳол ишга киришибди, ундан қиз ҳайкалини ясабди. Кейинги кун навбат тикувчига келибди. Уни ҳам уйқу ўзига торта бошлабди. Шунда ҳайкални кўриб қолган тикувчи: «Бу дурадгор дўстимнинг иши бўлса керак», деб ўйлабди. Ўзи ҳам маҳоратини кўрсатиб, қизни бежирим либослар билан кийинтирибди. Навбат илм соҳиби, тақводор йигитга келибди. У ҳам ўз вазифасини адо эта бошлабди. Уни ҳам уйқу элитибди. Уйқу ширинлик қилавергач, ўзини чалғитиш учун ён-атрофга назар ташлабди. Шу пайт кўзи милтиллаган гулхан ёруғида кўринаётган қиз ҳайкалига тушиб қолибди. Бу дўстлари иши эканлигини фаҳмлабди. Лекин ўзининг бирон ҳунари йўқлигидан афсусланибди. Шундай бўлса-да, таҳорат олиб, ибодатга машғул бўлибди. Яратгандан шу ҳайкалга жон ато қилишликни сўрабди. Оллоҳ таоло умидвор йигитнинг илтижосини қабул қилиб ҳайкалга жон ато этибди. Тонг отибди. Йигитлар уйқудан туриб, юз-қўлларини ювиб, нонуштага ўтиришибди.

Буни қарангки, қиз уларнинг олдига келиб, назокат билан салом берибди. Йигитлар умрида бундай гўзал қизни кўришмаган экан. Уларнинг учаласи ҳам қизни севиб қолишибди. Ҳар қайсиси ўз ишларини рўкач қилишиб, қизни ўзларига ёр қилиб олмоқчи бўлишибди. Учала дўст бир-бирига душманга айланишига оз қолибди. Шунда қиз ибо ва ҳаё билан дебди:

– Сизлар ниҳоятда мард, баҳодир йигитсизлар. Дўстлар бундай пайтда ақл билан иш кўрмоқликлари керак. Одатда, бир қиз уч йигитга хотин бўлолмайди. Демак, менинг фикримга қулоқ тутингизлар. Сизларнинг иккингиз менга қиёматлик ака бўлингиз, бирингиз эса вафодор ёр. Бу бахт кимга насиб этади? Буни ҳам сизларга мен айтаман. У мени шармисорликдан сақлаб, гуноҳ жойларимни бекитган – тикувчидир. Демак, мен унинг ёри бўламан».

Қизнинг бу доно сўзлари йигитларга маъқул бўлибди. Шундай қилиб, кийинмоқ зарурати қиз-йигитнинг тақдирини белгилаган экан.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган кийиниш одатлари, миллий либослари бор. Масалан, Ўрта Осиё халқларининг кийинишлари бир-биридан фарқланади. Шу билан бирга, тарихий жараёнларда, босқинчилик урушлари натижасида, дейлик, эронийлар, искандарийлар, араблар, мўғуллар ёки русларнинг аждодларимиз кийинишига озми-кўпми таъсир ўтказганини ҳам кўрамиз.

Тўғри, кийинишнинг кўп жиҳатлари мамлакат ва халқларнинг иқлим шароитига боғлиқ. Ҳиндларнинг ярим очиқ ёки совуқ ўлкалар аҳолисининг қат-қат кийиниб юришлари ўша жойларнинг об-ҳавоси иссиқ-совуқлиги билан ҳам белгиланади.

Қадимдан миллий урф-одатларимизга ва исломий қоидаларга кўра ҳам чақалоқ дунёга келган пайтлариданоқ, уни либосга ўрайдилар.

Ўғил бола билан қиз боланинг кийиниб юришида фарқланадиган ва ўхшаш жиҳатлари бўлади-ки, бу чақалоқлик пайтида унчалик сезилмайди. Аммо улғайиб, вояга етиб, ўсиб борган сари кийинишдаги бу фарқлар кўзга ташланиб қолади.

Одатда қиз болаларга кўзга яқин, нафис ва чиройли матолардан тикилган кийимлар кийдирилади, қиз боланинг ҳусни очилиб, кўркам ва гўзал бўлиб кўринади. Худди шунингдек, ўғил болаларга ҳам гавдасига мос келадиган, ихчам кўрсатадиган кийимлар ярашади. Эгизакларни эса бир хил кийинтиришга ҳаракат қиладилар. Чунки бунинг бир жиҳати улар бир-биридан ўксиб қолмасинлар ҳам дейдилар.

Аслини олганда кийиниш зоҳирий бир амал, лекин унинг ўзига хос ботиний мазмуни ҳам борлигини эътироф этгимиз келади. Чунки, умргузаронликда одамнинг кийиниши жинсига ва ёшига мос бўлишининг тарбиявий аҳамияти, ён-атрофдагиларга маънавий таъсири ҳам сезилиб қоларкан.

«Яқинда – дейди бир танишим – шаҳар айланмоқчи бўлдик. Болаларнинг онаси билан икки набирамизни етаклаб, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Боғи Эрам» оромгоҳига бордик. Ёшларни-ку ёш дейсиз, ўрта ёшдан ошиб кетганлар «шўртик»ларда юришибди, бундайлар шаҳар кўчаларида, бозорларда, ҳатто транспортларда ҳам учрайди. Болаларим олдида барибир ҳижолатга қолдим».

Замонавийликни ҳам замон кишилари яратади, назаримда. Кийиниш одоби деган тушунча шунчалар эскириб қолдими, дейсан киши. Бундай кийинишлик одоб доирасидан чиқиб кетишлик бўлиб туюлмайдимикин? Ахир, уйнинг иши уйники, аммо кўча-кўй, йўл-транспортларда, бозор-ўчарларда, айниқса, иш жойлари, ҳордиқ масканларида юрганимизда ёш авлод билан ёнма-ён эканлигимизни бир лаҳза бўлсин, унутиб бўлмайди. Болаларимиз биздан ўрганишади, ахир. Нега кийиниш одобидаги умуминсоний ва миллий қадриятларимизни ҳадеганда менсимаймиз? Бир қараганда бу унчалик аҳамиятга эга эмасдай, лекин ҳатто миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг қайсидир жиҳатлари шу мавзуга бориб тақалади, албатта.

Ҳамиша ўзбекнинг ўзлиги бор, деймиз. Бу турфа миллий либосларимизда ўзбекнинг ўзига хос кийиниш одоби ҳам маълум маънода акс этган. Ёшлар, ўсмирлар, кичкинтойлар ҳам биздан ҳар жиҳат – кийинишимизгача ўрнак олаверадилар, бизга тақлид қилганча катта бўладилар. Беҳаё тасвирларга тўла хориж филмлари, шундай суратлар туширилган газета ва журналларнинг, ҳатто ўқув қуролларидаги бундай тасвирларнинг маънавий, айтиш мумкинки, ғоявий таъсирини нималар билан ўлчаш мумкин? Афсусланамиз, лекин «ранг-баранг»лик давом этаверади.

Баъзан сайилгоҳларда қаторлашиб юришган қизларнинг ғайритабиий кийинишларини кўриб, уларнинг хонадонлари ҳақида ўйлаб қоласиз, дейди бир аёл. Унинг фикрича, ана шундай иллатлар туфайли ҳам айрим ёшларимиз тўғри йўлдан чиқиб, эгри сўқмоқларга тушиб қолишяпти. Гиёҳвандлик, спиртли ичимликларга ружу қўйишлик, ҳуда-беҳуда саёқ юришлик кабилар миллийлигимизга, ор-номусимизга зиён келтиради, албатта. Биз мулоҳаза юритаётган кийиниш мавзусининг ҳам бу иллатларни келтириб чиқаришга озми-кўпми алоқадор жиҳатлари борга ўхшайди, назаримда.

Беихтиёр марҳум санъаткор Охунжон Мадалиевнинг бир қўшиғидаги мисралар ёдга келади:

**«Айланаман Шарқни кезиб, айланаман,**
**Иболи бир ёр тополмай ўйланаман»...»**

Қуёш нурини қамаштиргулик, товус патидек товланиб турадиган, Кумушбибилар табассумини тўлдирган, Раъноларнинг ҳуснини очган, турфа рангда жило бериб турадиган шойи-атласларимиз ва бошқа турли матоларимиз, аслида Оврўпо матоларидан кам эмас, ҳам тансиҳатлик манбаи улар. Қолаверса, кийим ҳам ҳусн, деб бежиз айтишмаган. Миллийлик жилоланиб, ранглар рақс этиб турган либосларимизга хориж юртларида ҳамма ҳавасу завқ ила қарайди.

Бахт-иқболимиз кулиб, истиқлол эпкинларидан баҳраманд бўлганимизга ҳам ўн йилдан ошди. Бағридилимиз яйраб, ўзлигимизни англаб, шукуҳли кунлар оғушида яшаяпмиз. Кўплаб йўқотилган қадриятларимизни тиклаб, сайқал бермоқдамиз. Биз тилга олган кийиниш одоби ҳам азал-азалдан ўзбекка хос бўлиб, қадрланиб келинган. Бироқ, кийинишдаги миллий қадриятлар бироз бўлсада, кишиларимиз назаридан четда қолаётгандай туюлади.

Кези келганда яна бир фикрни тилга олиб ўтишни маъқул деб ўйладик. Аксарият тўйларимизда атиги бир марта келин-куёвлар кийядиган миллий либослар шунчаки, номигагина – «кўрсин» учун қилинадиган бўлиб қолган. Ахир, бекасам тўнлар ва шойи-атлас либослар маълум вақтлар кийилиб турилган. Улар фарзандли бўлишгач, бу либосларни бўхчаю сандиқларга солиб қўйишган. Вақти-соати етиб, орзулари ушалиб, улар ҳам ўз фарзандларининг бахт-иқбол тўйларида фарзандларига ўша либосларни кийдиришган.

Миллий либослар хусусида мулоҳазаларимизни билдирар эканмиз, албатта, беҳудага ўраниб-чирманиш ёки шу каби ҳар хил эски ва сунъий иллатларни тилга олишдан йироқмиз. Зеро, уларда миллийлик мазмунининг ўзи йўқ.

Ҳаётнинг ўзига хос қонуниятлари бор. Ҳар ким хоҳлаган кийимини кийиши табиий. Бироқ, зикр этганимиздек, одоб нуқтаи назаридан, фарзандлар олдида ўзимизга мос кийиниб юрмоғимиз ҳам бир сабоқ дегимиз келади. Ҳар ҳолда қизларимиз, келинларимиз ва кексаларимиз олдида меъёридан ортиқ, таъбир жоиз бўлса, баданни модага айлантириб юришлик ўзимизга ҳам, ёш авлод маънавиятига ҳам таъсир қилмай қолмаслиги ҳақидаги мулоҳазаларимизни айтмоқ истадик. Шундай экан, қадриятларимизга муносиб ҳолда кийиниб юришликка одатланайлик, ахир одоб – одам зийнати демоқчимиз, холос.

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**доцент, халқ таълими аълочиси**

---

*Халқаро ҳамкорлик риштапари*

# ЎЗБЕКИСТОН ЛАЗЕР УСКУНАЛАРИ — ҲИНДИСТОНДА

Мустақил республикамизнинг илк қадамларидан бошлаб Ҳиндистон давлати халқимизга хайрихоҳлик билдириб, ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини эълон қилган эди. Дўстлик алоқаларининг рамзи сифатида тезда икки томонлама элчихоналар очилди.

Маълумки, Ҳиндистон компютер технологияси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Шу боис ҳамкорлигимиз илк самараси сифатида Ҳиндистон ҳукумати ёш мутахассисларимизни компютер технологияси бўйича малака ошириш курсларига қабул қилишини билдирди. Мана бир неча йилдан бери Ҳиндистон ҳукуматининг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида кўплаб ҳамюртларимиз бу гўзал диёрнинг турли шаҳарларида бошқа ҳамкорликлар қаторида компютер соҳаси бўйича ҳам таҳсил олиб, тажриба орттириб келмоқдалар.

Мазкур курсларда таълим бериш юқори савияда уюштирилган. Бу ерда замонавий фан ютуқларини ўргатиш билан бирга, фойдали томони шуки, ёшларга инглиз тилини амалиётда қўллаш имкони туғилиб, тилни ўрганишда бу ҳаётий кўникмалар яқиндан катта ёрдам беради. Мазкур курсларда таълим олиб қайтган ёшларнинг деярли ҳаммаси ҳозирги кунда инглиз тилида бемалол эркин мулоқот қила оладилар.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг ўзида энди ҳеч қандай тўсиқларсиз сафар учун ҳужжатларни расмийлаштириш йўлга қўйилганки, бу мустақиллигимизнинг бир самараси бўлиб кишини қувонтиради. Чунки шўролар даврида чет элга чиқиш учун собиқ марказдан қолган сарқит бир-икки ўрин минг чийриқдан ўтказилиб бериларди. Мабодо сиз Деҳлига учмоқчи бўлсангиз, Москвага бориб самолётга ўтиришингиз керак, Тошкентда ёнилғи олиш учун қўнган самолётга ҳам ўзбекистонликларнинг чиқишга ҳаққи йўқ эди.

Ҳозирги кунда мустақил республикамизнинг пойтахти бўлмиш Тошкентдан деярли ҳар куни Ҳиндистоннинг бир неча шаҳарларига ҳаво қатнови йўлга қўйилган. Бу борада Ўзбекистон Ҳаво Йўллари миллий авиакомпанияси ибратли хизмат қилиб келмоқда.

1995 йили Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети қошида Ўзбекистон-Ҳиндистон маркази ташкил қилинди. Мазкур марказнинг фаолияти туфайли бир неча илмий лойиҳалар амалга оширилди, мутахассисларимиз Ҳиндистоннинг бир неча шаҳарларидаги институтлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Айрим олий ўқув юртларининг илмий лабораторияларнинг ва илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари ҳинд ҳамкасблари билан биргаликда муайян дастур устида ишламоқдалар.

Ҳинд биродарларимиз ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, жумладан, Қуёш энергиясидан фойдаланиш, Лазер медицинаси, ўсимликлардан доривор моддалар олиш ва бошқа йўналишдаги илмий ишлар билан жуда қизиқмоқдалар. Кўҳна Ҳайдаробод шаҳрига ҳамюртларимиз иштирокида қуёш энергиясидан фойдаланадиган қурилмалар ўрнатилиб, юртдошларимиз маҳаллий мутахассисларга унда ишлаш сирларини ўргатиб қайтишди. Ҳиндистоннинг Деҳли ва Индор шаҳарларида ўзбек-ҳинд лазер марказлари ташкил қилиниб, бу марказлар Ўзбекистонда ишлаб чиқилган лазер ускуналари билан жиҳозлангандир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида илмий, маданий, техникавий, санъат, адабиёт ва тижорат соҳасидаги алоқалар йилдан-йилга кўпайиб, кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Самарали натижалар дўстона ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга ундайди.

**К. ВАЛИХОНОВ,**
**Илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашиш бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон Маркази директори вазифасини бажарувчи**

*Хотира ўчмасдир, хотира мангу!*

# МАЪРИФАТ БОҒИНИНГ ШАҲИД ГУЛЛАРИ

Машҳур кишилардан бирининг шундай пурҳикмат сўзлари бор: «Ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади».

Инсоният тарихининг дастлабки даврларида жамият аёллар томонидан идора этилган. Кўҳна битикларда ёзилишича, шу даврда жамият адолат ва нафосат машъаласидан нурафшон бўлган. Кейинчалик матриархат ўз ўрнини патриархат даврига бўшатиб бергач, уруш ва низолар инсоният жамиятининг доимий йўлдошига айланиб борди. Ана шундай тарихий-ижтимоий шароитда аёллар нафақат ўз оиласи, балки жамият ҳаётини ҳам порлоқ бир меҳр ва гўзаллик гуллари билан яшнатиб келди. Бу ҳақиқатни биринчи бўлиб шоирлар тўла ҳис этдилар. Шунинг учун ҳам улар қалбини жамият ҳаётининг нозик барометри, деб аташ мумкин.

Аёлларни улуғлаш, улар шарафига шеър ва достонларни ёзишда собиқ совет даврида ижод қилган шоирлар мумтоз салафларидан заррача орқада қолмадилар. Совет давлати ҳам ўз шоирларининг аёлларга бўлган меҳрини назарга олиб, Ўрта Осиё хотин-қизларини паранжи асоратидан халос этишга жон-жаҳди билан киришди. Ўн йиллар мобайнида паранжини хотинлар ва опа-сингиллар иффатининг бирдан-бир посбони, деб ўйлаган эрлар-у ака-укалар Совет давлатининг ҳарбийларча «Ҳужум» деб аталган ҳаракатини назар-эътиборга илмадилар. Улар «озодлик»ка чиққан хотинлари, опа-сингилларини шафқатсизларча сўйиб, бўғиб ўлдирдилар. Совет давлати бу хунрезликни кўра-била туриб, энг илғор аёлларни «тўп»нинг оғзига ташлашда давом этди. Болшевикларча қатъийлик билан амалга оширилган аҳмоқона ҳаракат орқасида қанчадан-қанча бегуноҳ қонлар тўкилди.

«Ҳужум» эндигина қонли этакларини йиғиштира бошлаганда 37-йилнинг қонли дарвозалари шарақлаб очилиб кетди. Давлат ва партия, фан ва маданият арбоблари «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, қамоқхоналар бегуноҳ кишиларга тўлиб-тошди. Эрларининг аксилинқилобий фаолияти ҳақида сиёсий идораларга ўз вақтида маълумот бериб турмаган, бинобарин, улар жиноятига шерик бўлган, деб ўнлаб аёллар қамоққа ташланди. Ўз оилаларининггина эмас, жамиятнинг ҳам гули ва кўрки бўлган аёллар НКВД ходимлари томонидан мислсиз қийноқларга солинди, ор-номуслари таҳқир этилиб булғанди. Қамоққа тушган аёлларнинг кўз ёшлари дарё бўлиб оқди.

Атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев оиласига мансуб аёлларнинг ўзидан 7 киши қамоқ ва лагер азобларини кўриб, адои тамом бўлди. Етмиш ёшдан ошган онаси Райҳон ая эса чеккан азоб-уқубатларига чидай олмай, 5 йиллик қамоқ жазосини ўташ учун Қарағанда шаҳрига жўнатилиши олдида, қамоқхонада вафот этди. Машҳур жамоат арбоби Абдулҳай Тожиевнинг хотини Тожихон Аҳмедова 14 йиллик маҳбуслик даврида кўрмаган бирбиридан мудҳиш лагерлар советлар мамлакатида қолмади... Бундай фожиали тақдирларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Совет давлатининг ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган бегуноҳ аёлларни турли туҳмат ва сохта айблар билан қирғин-қатағон этганини орадан юз йиллар ўтгандан кейин ҳам кечириш мумкин эмас. Бу хунрезликни юзага келтирган ваҳший кишиларга абадул-абад лаънат тошлари отилади. Аксинча, жафокаш ва жабрдийда аёлларимиз эса ҳурмат ва ифтихор туйғулари билан ёд этилажак.

Яқинда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси қатағон қурбонлари бўлган аёллар ҳақида ҳикоя қилувчи «Қор кўйнида лолалар» очерклар китобини нашрдан чиқарди. Бу китобдан ўрин олган ҳар бир мақола, ҳар бир очерк асосида келажакда гўзал бир достон, боқий бир роман, ларзакор бадиий филм ё спектакл яратилиши мумкин.

Қатағон қурбонлари бўлган аёлларимиз номининг рус декабрист аёллари номидек абадийлаштирилишига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Келажак жамиятнинг маънавий тараққиёт даражаси шу маъсума аёлларимизга бўлган муносабат билан ҳам белгиланади.

**Наим КАРИМОВ**




# ГУЛСУМ

***Кузатган асримизнинг 20-йилларида Германияда ўқиб қайтган маҳаллий йигит ва қизлар орасида ўзбек ёшларидан ташқари бир неча қардош халқлар: қозоқ, тожик, татар ёшлари ҳам бор эди. Шулардан бири татар зиёли қизи Гулсум Раҳимова – Ашрафий ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Юқорида номи тилга олинган очерклар китобида Гулсум Ашрафий ҳаётига доир маълумотлар билан янада батафсилроқ танишишингиз мумкин.***

* * *

Гулсум опа Раҳимова 1902 йилда Қозоғистоннинг собиқ Оқмулла вилояти Ўтбосар шаҳрида таваллуд топган. Гулсум 10-11 яшар пайти унинг отаси Қаюм бобо Раҳимов бу ерда кун кечириш қийинлигидан бола-чақаси билан Туркияга кўчиб кетади. Ёш Гулсум 1918 йилгача у ерда таълим олиш учун кўп изланади. Врач бўлиш орзусида бирор жойга кетиб ўқишни ҳам ўйлаб юради. Шу йилларда Россия мусулмон ҳарбий асирлари қаторида Туркияга келган Олимжон Идрисийнинг маслаҳати билан 1918 йилда у Германияга ўқишга кетади. Бу ҳақда Гулсум опанинг ўзи кейинчалик шундай ҳикоя қилган: «1918 йил куз ойларида уйимизга Идрисий, Бадри Сайфулмуликов ва доктор Борий келишди. Улар билан бўлган суҳбат чоғимда мен Туркияда аёллар учун олий маълумот олиш йўлидаги қийинчиликлардан зорланиб, врачлик касбида ўқиш истагим борлигини айтдим. Идрисий бунга жавобан мени Берлинга боришга ва хоҳишим бўйича ҳар қандай ўқув юртига жойлаштиришга ваъда берди. Бунинг устига Берлингача бориш қийин эмаслиги, у билан Берлинга Исмоил Акчурин ҳам кетаётганлиги, улар билан бирга боришим мумкинлигини айтди. Мен бу таклифни қабул этиб, 1918 йилда синглим (Руқия Раҳимова – Ш. Т.) ва Исмоил Акчурин билан бирга Германияга (Берлинга) бордик». (Архив ҳужжатларидан). Шундан сўнг Гулсум опа синглиси Руқия билан шаҳардаги бошланғич мактабларнинг ўқув пансионатига ўрнашиб, ўша ерда яшаш билан бирга Дрездендаги қизлар гимназиясига кириб ўқий бошлайдилар. 1922 йиллардан сўнг улар Бухоро Халқ Республикаси таъминотига ўтиб, 1925 йилда гимназияни битирадилар. Гулсум опа ўқишининг бу ерда анча чўзилишига ўқиш давридаги баъзи бир моддий қийинчиликлар ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам у орада Финляндияга ҳам кетиб, у ердаги татар ёшлари мактабида бир муддат дарс ҳам беради.

Гулсум опа Дрезден қизлар гимназиясида ўқиётган даврда Туркистон ва Бухородан борган бошқа маҳаллий ўзбек, қозоқ, татар ёшлари билан бирга ўқишда, маданий ва маърифий ишларда фаол иштирок этади. Айниқса, Берлин университети талабаларидан ўзбек қизи Саида Шораҳмедова, машҳур татар ёзувчиси Аёз Исҳоқийнинг қизи Саодатхон, Дармштад қизлар гимназиясида ўқиётган тошкентлик Ҳайринисо Мажидхонова хевалик Марям Султонмуродовалар билан яқин алоқада бўлиб, немисларнинг илғор фан-ютуқлари, маориф тажрибалари, тили ва адабиётини пухта ўргана бошлайди. Гёте, Шиллер каби дунёга машҳур шоир ва драматургларнинг асарларини немисча матнида мутолаа қиладилар.

Гулсум опа 1925 йил Германиядаги Дрезден қизлар гимназиясини муваффақиятли битириб, катта умидлар билан Ўзбекистонга қайтади.

Гулсум опа Бухоро ва Самарқандда бирмунча вақт маҳаллий ўзбек, тожик, татар ёшлари мактабларида немис, рус тилларидан дарс беради, Германиядан олган илғор педагогик тажрибаларини ишга солиб, уларни Европа адабиёти, тили билан бевосита таништиришга ҳаракат қилади. Мазкур йилларда Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган Самарқандда педакадемия очилиб, у ерга республиканинг турли жойларидан атоқли олим, шоир ва ёзувчилар, зиёлилар йиғила бошлаган эди. Гулсум опа ҳам у ерда улар билан яқиндан дўстлаша боради ва ўша йиллари мазкур дорилфуннуннинг педагогика факултетида ўқиётган ўзбек зиёлиси Ҳайдар Ашрафий исмли йигит билан танишиб, унга турмушга чиқади. Ҳайдар Ашрафий кейинчалик Ўзбекистон Давлат университетининг аспирантурасида ўқийди ва 1934 йили оиласи билан Тошкентга кўчиб келади ва бу ерда республика Халқ Маориф Комиссарлиги қошидаги маориф кадрларининг малакасини ошириш институти ўқув бўлимида ишлай бошлайди. Улар икки фарзанди (ўғиллари Тўлқин ва Учқун) билан ҳозирги Шёлковичная кўчасининг 39-уйида яшай бошлайди. Опа у ердан кўп узоқда бўлмаган мактаблардан бирида немис тили ва адабиётидан дарс бериб, кечқурунлари шаҳардаги чет тиллар педагогика институтининг немис тили факултетига ҳам ўқий бошлайди, кундузи иш тажрибаларини кечки ўқиш ишлари билан боғлаб олиб боради. Шу билан бирга, мазкур йилларда опа умр йўлдоши билан бирга ишлаётган таниқли ўзбек зиёлилари – институт директори Назир Иноятий, кечки пединститут декани Арслонқори Валиев, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари Бахшилло Хўжаев, Ўзбекистон Санъат ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Босит Қориев, институт илмий ишлар мудири Имомхон Ҳусанхўжаев, институтнинг машҳур профессорлари Абдурауф Фитрат каби улуғ зиёлилар билан ҳам таниш бўлган. Улар Ҳайдар Ашрафийнинг уйларида бўлган вақтларида Гулсум опа мазкур устозларни катта ҳурмат ва эъзоз билан кутиб, уларга самимий меҳмоннавозлик кўрсатган, бу зиёлиларнинг маориф, маданият ҳақидаги қизиқарли суҳбатларини мароқ билан тинглаган. Уларнинг оила аъзолари – жумладан, Арслонқори Валиевнинг рафиқаси, таниқли ўзбек шоираси ва маорифчи Хосият Тиллахонова, Босит Қориевнинг умр йўлдоши – ўзбек театрининг таниқли арбобларидан Маъсумахон Қориевалар билан яқин дўст бўлиб, улар орқали ўзбек адабиётининг нодир намуналари билан яна ҳам яқиндан таниша бошлаган, ўз навбатида Гулсум опа ҳам уларга немис тили ва адабиёти ютуқлари ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб борган.





...1937 йилнинг 6 январида собиқ Ўзбекистон ССР Ички ишлар комиссарлиги лейтенанти тўсатдан уни чақириб сўроқ қила бошлайди. Опа унинг туҳматкорона айбловчи саволларига дадил рад жавобини берган:

«**САВОЛ:** – Германияда бўлган вақтингизда «Германиядаги Туркистон талабалари жамияти»га аъзо бўлганмисиз?

**ЖАВОБ:** – Германияда бўлган вақтларимда ҳеч қандай ижтимоий ташкилотга аъзо бўлмаганман.

**САВОЛ:** Терговга маълумки, сиз Германиядан Финляндияга борганингизда Олимжон Идрисийдан махсус топшириқ олган экансиз. Шу олган топшириғингиз ҳақида гапириб беринг.

**ЖАВОБ:** Йўқ, мен Олимжон Идрисийдан ҳеч қандай топшириқ олмаганман. Мен Олимжон Идрисийдан топшириқ олиш у ёқда турсин, у билан ҳатто душманлик даражасида ёмон муносабатда бўлганман. Чунки, у мени ҳам, синглим Руқиянинг ҳам стипендияларимиздан қирқиб, бизларнинг ўқишларимизга катта тўсиқлар ҳам ярата бошлаган эди.

**САВОЛ:** Терговга маълумки, синглингиз Руқия Берлиндан Финляндияга сизнинг олдингизга келганда у ерга Идрисийдан миллатчилик руҳидаги хат ва асарлар олиб борган экан, ўша миллатчилик руҳидаги хат ва адабиётларни кимга берганлигизни айтиб беринг.

**ЖАВОБ:** Йўқ, бу туҳмат гап. Руқия менинг олдимга (Финляндияга) борганда менинг таклифим ва ҳисобимга борган эди. У Идрисийдан ҳеч қандай махсус топшириқ олмаган ва олиши ҳам мумкин эмас эди.

Сўнг тергов ходимлари унинг изидан бўладиган айғоқчилик ишларини кучайтириб, сохта гувоҳлар топиб, қўшимча кўрсатмалар тўплай бошлайдилар. Ва шулар асосида 1937 йил 18 июлда Гулсум опа Раҳимова-Ашрафий уйи тинтув қилиниб, у қамоққа олинади. Бу ҳақдаги айбнома эса Гулсум опа қамалгандан сўнг икки ҳафтача кейин (яъни 1937 йил 1 август) тўқилиб, унда опанинг Германияда ўқиган вақтларида революцияга қарши бўлган айғоқчилик ташкилоти «Озод Туркистон»-га аъзо бўлган, унинг топшириғи билан СССРга келиб, совет мамлакати ҳақида жосуслик материаллари тўплаб, Берлиндаги «Озод Туркистон» ташкилотига юбормоқчи бўлган» деган туҳмат мазмунидаги айблар ёзилади. Аслида бу терговлар, сохта айбловлардан кузатилган мақсад – жойларда ҳар қандай миллий кадрларни йўқ қилиш, ҳеч бир миллатнинг тараққий этишига йўл қўймаслик эди.

Орадан салкам икки ой ўтгач, 1937 йил 13 сентябрда унинг эри таниқли ўзбек зиёлиси, Тошкент олий педагогика билим маскани мураббийси Ҳайдар Ашрафий ҳам қамоққа олинади. Ундан ҳам ўзи, ҳам хотини Гулсум Раҳимовага қўшимча айблов материаллар беришни талаб қилиб уни қийноққа соладилар.

Жумладан, 1937 йил 26 сентябрда Ҳайдар Ашрафийдан хотини Гулсум Раҳимованинг революцияга қарши қандай ишлар олиб борганлиги сўралади. У хотинининг бундай ишларни билмаслигини қатъий айтади.

Гулсум опа Раҳимова қамалганига қадар оғир юрак хасталиги билан оғриган эди. Шунга қарамасдан у қарийб бир йилдан ортиқ НКВД қамоқхона камераларида оғир тергов қийноқларида азоб чекади. Ва охири юқоридаги сохта айбловлар, туҳматлар, қийноқлар остидаги «тасдиқлаш» асосида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4–15 октябрдаги сайёр сессияси ҳукми билан олий жазо – отувга ҳукм қилинади. Ва 1937 йил октябрда Тошкентда Германияда ўқиб қайтган бошқа ўзбек йигит ва қизлари Саттор Жаббор, Тўлаган Мўмин, Хайринисо Мажидхонова ва бошқалар қатори ғайриқонуний равишда шаҳид этилади. Шу вақтларда кексайиб қолган унинг ота-оналари, айниқса, касалманд отаси Қаюм бобо Собиров, ёш гўдаклари Учқун ва Тўлқинлар моддий ва маънавий ҳимоясиз қоладилар. Бу ҳам етмагандай улар халқ душманлари, чет эл буржуа давлати жосусларининг ота-оналари, авлодлари деган қора тамға остида сарсон-саргардон қилинади. Қизининг бегуноҳ қамалганидан изтиробда бўлган Қаюм ота 1940 йил бошларида собиқ СССР прокуратурасига ариза беради, унинг бегуноҳлигини айтиб, тақдирини билиш, ўзи қариб, невараларини кўчада қолганлигини ҳисобга олиб, иложи бўлса қизини оқлашга ёрдам беришларини сўрайди. Лекин ҳарбий прокурор ёрдамчисининг 1940 йил 4 апрелдаги хулосасида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги отув ҳукми ўз кучида қолдирилганлиги ҳақидаги хабарни унга етказиб, Гулсум Раҳимова ишини Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлигига қайтаришга қарор қилингани айтилган. Шундан кейин улар умидларини узиб юрак ютиб қўрқув, таҳлика остида яшай бошлайдилар.

Биз Гулсум опанинг ота-оналари, авлод-аждоди, болаларининг сўнгги тақдири нима бўлганлиги ҳақида изландик. Унинг яқин қариндошларидан бири, таниқли журналист ва шоир Раҳим Фарҳодий билан суҳбатлашдик. Раҳим Фарҳодийнинг айтишига қараганда, унинг онаси Мунжия Раҳимова Гулсум опанинг энг кичик синглиси бўлган. Онасининг хотирлашича, Гулсум Раҳимова ва унинг эри таниқли ўзбек зиёлиси Ҳайдар Ашрафий қамалгач, бобоси Қаюм бобо Раҳимов кексайиб қолганига қарамай, тергов органларидан қўрқиб, унинг ёш гўдакларини ўзи яшаб турган уйга – узоқ Бухоро вилоятидаги қишлоққа олиб кетган ва у ерда ўқитиб, тарбиялай бошлаган. Бунинг устига ўша вақтларда Москвадаги Тожикистон ваколатхонаси ходими Исохўжаев ва унинг рафиқаси Германияда ўқиб келган Руқия Раҳимова ҳам немис-фашистларининг айғоқчиси деган туҳмат билан қамалган экан. Раҳим Фарҳодий етим қолган болалар тақдири ҳақида шуларни гапириб берди: «Иккала холамнинг бола-чақаларига ҳам, кейинчалик Самарқанд Давлат медицина институти кафедра мудири отам Ҳаким Фарҳодий (унинг отаси, машҳур зиёли Абдураҳмон Фарҳодий ҳам бу даврда репрессия қурбони бўлган эди) ва шу институтнинг доценти онам Мунжия Раҳимовалар ҳамиша моддий ва маънавий кўмак бериб туришган. Болалар уларнинг кўмагида ўсиб-улғайиб, муайян касб эгалари бўлишган. Гулсум холамнинг ўғли Тўлқин Раҳимов нафақага чиққунга қадар Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида дарс берган, у ердаги таниқли олимлардан бири бўлиб, кўплаб шогирдлар етиштирган, ҳозир у Бошқирдистоннинг Уфа шаҳрида яшайди. Қаюм бобом қизлари Гулсум ва Руқияларнинг оқланиш кунларини кўролмай 1953 йилда оламдан ўтган. Онамнинг айтишига қараганда, Сталин вафотидан кейин бобом ўз болалари ва набираларини йиғиб, «Ер юзининг энг ёвуз ва халқлар бошига бало бўлган бу жаллоддан қутулганидан кейин энди тинчгина кўзимни юмаман», – деган. Шундан кўп ўтмай бир куни барча қариндошлари, яқин қўшниларини чақириб бирга овқатланган ва кечки намозини ўқиб, ётоғига киргач, икки қўлини кўксига қўйиб оламдан кўз юмган экан.

Ўтмишда кўплаб бегуноҳ қамалган – қатли омга учраган аждодларимиз қатори марҳум холам Гулсум Раҳимова ва унинг умр йўлдоши Ҳайдар Ашрафийлар ҳам оқланди, улар қатл этилган Юнусобод туманида Президентимиз Фармони билан рамзий «Шаҳидлар хотираси» майдони яратилди. Мен ҳам уни зиёрат этиб, бегуноҳ истибдод қурбони бўлган холам руҳига тиловат қилиб тураман».

**Шерали ТУРДИЕВ**

## *Кашфиёт ва инсон*

# ОДАМНИНГ «КСЕРОНУСХАСИ»НИ ЯРАТИШ МУМКИНМИ?

Ғарб давлатларида барча соҳалар қатори фан оламида ҳам гўё «илмий тўғри» бўлган «шов-шув»лар билан омма эътиборини тортиш оддий одат тусига кирганлиги кўпчиликка маълум, албатта.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида шундай шов-шувлардан бирининг сабабчиси Италия биолог олими, профессор Петручи одам эмбриони тараққиётини пробирка шароитида амалга оширганлигини эълон қилган эди.

Собиқ совет академиги Т. Лисенко эса ирсиятнинг моддий асосини бутунлай инкор қилиб, жавдардан ҳақиқий буғдой, ёввойи сулидан унинг янги маданий турини олганлигини хабар қилди. Кейинчалик Петручи ва Лисенколарнинг илмий ахборотлари ноилмий эканлиги маълум бўлган. Шунингдек, ҳар икки-уч йилда бир-икки марта коинотдан Еримизга улкан осмон жисми (астероид, метеорит ёки кометалар) келаётганлигини, агар заминимиз билан учрашса, қиёмат қойим бўлишини айрим ғарб олимлари «башорат» ҳам қилиб турадилар.

Кузатган асримизнинг 80-йилларида дунё олимлари биотехнология фанига катта умидлар боғлаб, табиатни муҳофаза қилишда, экология, қишлоқ хўжалиги, саноат, айниқса, металлургия, тиббиёт, энергетика соҳаларига доир долзарб муаммоларни мазкур фан ютуқлари асосида беш-олти йил ичида ҳал қилинишига ишонч билдирган эдилар. Лекин бу фан олимлар умид қилган даражада дунёвий ютуқларга эриша олмади. Аксинча, ҳинд олими, профессор Вандана Шива «Биотехнология фани ютуқларининг қишлоқ хўжалиги, саноат, тиббиёт ва энергетика соҳаларида фойдасидан зарари кўп бўлди» деб таъкидлади. Шунга қарамай, олимлар томонидан биотехнология фанидаги клонлаш усули орқали ирсий фаолияти ўзгарган жонзотлар яратишга интилиш кучайди. Клон – ирсий белгилари бир хил бўлган организмлар демакдир. Рус олими академик А. Сприн «Клонлаш услубиёти жамиятга фойдадан кўра кўпроқ хавф келтирувчи омил бўлиб, у бир зумда рак, спид ва бошқа бедаво касалликларни тарқатувчи микрожонзот мутантлари (ҳосилалар)ни лабораторияда яратди», – дейди. Олимнинг таъкидлашича, аслида бундай биологик қуроллар ҳар қандай ядровий бомбалардан ҳам хавфли бўлиб, мутахассислар ва давлат арбобларини ҳушёр бўлишга даъват қилиб келмоқда.

1997 йил Англияда лаборатория шароитида клонлаш усули орқали Долли номли бузоқча «оламга келди». Айрим олимлар худди шу услубда одамнинг ҳам «ксеронусхаси»ни олиш мумкин деган хулосага келдилар. Ғарб жамоатчилиги ўртасида клонлаш орқали Гитлер, Сталин, Ленин каби шахсларни олимлар яратишмоқчи, деган гаплар ҳам тарқала бошлади. Шунинг учун бугунги кунда бу мавзу жаҳон оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение ва матбуотда қизғин баҳсларга сабаб бўлиб турибди.

**Хўш, клонлаш усулининг моҳияти нимадан иборат?**

Бирор сабабга кўра бефарзанд аёлнинг жинсий, яъни тухум ҳужайраси лаборатория шароитида денуклеинтирланади. Организмдан ажратилган ушбу ҳужайрадаги жонзотни шакллантирувчи режа жойлашган ядро аёл умр йўлдошининг соматик-танавий ҳужайраларидаги ядро билан алмаштирилади. Компютерда дискет алмашгандек, ҳужайралар тараққиётини белгиловчи режалар алмаштирилади. Бошқача айтганда, аёлнинг жинсий ҳужайраси сунъий уруғлантирилади. Натижада кузатилган гибрид ҳужайра лаборатория шароитида ҳосил бўлиб, унинг ривожланиш жараёни электр токи таъсирида махсус, сунъий муҳитда амалга оширилади. Эмбрионга айлана бошлагач эса у аёл организмига трансплантация қилинади, яъни кўчирилади. Гибрид ҳужайра – эмбрион бачадонда ҳомилага айланса, бу клонлаш усулининг натижаси ҳисобланади. Мазкур усул орқали олимлар сичқон, маймун ва ўсимликларда тажриба ўтказиб келдилар. Бу усулнинг одамларда қандай кечиши мумкинлиги дунё миқёсида олимлар ва жамоатчилик орасида катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотчиларнинг айримлари эмбрион (стоволовой) ҳужайралардан қандай қилиб одам танасида 200 дан ортиқ ҳужайра турлари (нерв, мушак, мия, кўз, юрак, буйрак ва ҳоказо), улардан эса тўқима, тўқималардан аъзолар, аъзолардан эса бир бутун организм шаклланиш жараёнини аниқламоқчилар. Булардан ташқари муайян ҳужайралардан инсулин, ўсиш гормони, интерферон каби тиббиётга зарур бўлган дори-дармонларни биотехнологик усулда тайёрлаш устида режа тузмоқдалар. Аксарият олимлар одамларда клонлаш усули қўлланишини скептик (нисбий, ишонарсиз) қараб, унга этик, одоб нуқтаи назардан жамият учун номуносиб деб баҳо бермоқдалар. Айни пайтда уч мамлакат – АҚШ, Италия ва Исроил олимлари бир гуруҳ (трио) бўлиб медико-биологик режа туздилар. Мазкур гуруҳ замонавий асбоб-ускуналарга эга ҳамда моддий жиҳатдан кучли таъминланган бўлиб, ўз манзилини Ўрта Ер денгизининг жамоат учун номаълум оролида, ислом, христиан ва иудаизм динлари билан боғлиқ тазйиқлардан холи бўлиш учун одамлар нигоҳидан четда қўним топдилар.

Дунёдаги кўпчилик олимлар бу режага салбий муносабат билдирмоқдалар. Жумладан, Англиядаги Кембридж университетининг профессори А. Женикс трио режаси инсонни лаборатория учун ишлатиладиган ҳайвонга айлантираётганлиги учун ахлоқий нормаларга тўғри келмайдиган ва илмий жиҳатдан танқидий фикрларга чидай олмайдиган иш деб баҳолади. Олим ўз фикрини давом эттириб, «пробиркада оталанган тухум ҳужайраси она қорнида аксарият тараққий қилмаслиги, бир нечтасидан тасодифан фақат биттаси эмбрионга айланиши мумкин. Онадаги ҳомила ривожланадиган аъзо ҳам ҳар қандай трансплантация қилинган гибрид ҳужайрани қабул қилмайди...» – дейди у. Олимларнинг кузатишича, гибрид ҳужайра эмбрион ҳолатига ўтиб тараққий қилганда ҳам ҳайвонларда буйракнинг анатомик ҳолати бузилиб, қон-томирлари ва иммун системаси яхши ривожланмаслиги аниқланган.

Клонлаш усулининг асосчиси Шотландиядаги Эдинбург университетининг профессори Я. Вилмутнинг ёзишига қараганда, клонлаш йўли билан дунёга келган қўзичоқ ва сичқонлар оддий ҳолатдаги турлардан фарқли ўлароқ, улар муддатидан анча олдин туғилар экан. Кўриниши нормал бўлса ҳам, мушаклари нотўғри шаклланган, айниқса ўпкада қон томирлари яхши тараққий қилмай, носоғлом туғилиб тезда нобуд бўлган. Бундай услубиётни одамларга тадбиқ этиш ақл бовар қилмайдиган, оқибати хунук иш бўлур эди. Одатда клонланган эмбрион оддий эмбриондан катта бўлиб, туғилганда ҳам йирик ҳолатда дунёга келади. Бу онанинг соғлиги ва ҳаёти учун хатарлидир. Бу каби эътирозларга трио-медикал-биологик режа аъзолари шундай жавоб бермоқдалар. Улар «трансплантация усулини такомиллаштириб бораётганлари, пробиркадаги сунъий оталанган эмбрион микроскоп орқали назорат қилиниб, фақат тўлиқ қимматли ва тозаларигина она организмига ўтказилишини» таъкидламоқдалар. Бундай жавоблар ҳам албатта илмий етарли эмас. Пробиркадаги сунъий оталаниш асосида ривожланган эмбрион хромосомаларнинг ўзгаришига асосланган. Оддий ҳолатда эмбрион тараққиётига эпиденом, яъни хромосомадан ташқари факторлар ҳам таъсир қилади. Бундай ҳолатларни аввалдан ҳисобга олиш ёки назорат қилиш мумкин эмас. Айниқса, эмбрионнинг асаб тизими, руҳий ҳолати, бир қанча тўқима, аъзоларнинг шаклланишини ва уларнинг сифатини на она қорнида, айниқса, клонлаш жараёнида назорат қилиб бўлмайди. Оддий ҳолатда ҳомиланинг нотўғри ривожланиши она учун хавфли эканлиги ҳаммага маълум, бундай хавф клонланган эмбрионнинг тараққиётида она учун бир неча марта ошиб кетади.

Лекин трио-режа ходимлари бундай салбий ҳатто хавфли оқибатларни атрофлича таҳлил қилмай ишни бошлаб; «Хум»дан «жин» ташқарига чиқарилди, бу ёғини вақт кўрсатади», – демоқдалар. Мазкур режа эълон қилинганда трио режасининг номига 300 га яқин эр-хотинлар клонлаш йўли билан фарзанд кўришни илтимос қилиб ариза берганлар. Аммо бу ишнинг кўп биологик томонлари қоронғи бўлиб қолмоқда. Дейлик, трио-режа асосида дунёга келган боланинг ёши қандай белгиланади? Одатда тухум ҳужайра оталангандан 9 ой муддат ўтгач дунёга келади. Клонланиш жараёнида 30 ёки 40 ёшли ота ёки она ирсиятининг асоси бўлган дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) ишлатилади. Тажрибада эркакнинг танавий ҳужайрасидан фойдаланилгани, унинг жинсий ҳужайраси тўлиқ қимматга эга бўлмаганлиги учун ҳомиланинг эркакка қариндошлик жиҳати (яъни фарзандими ёки бошқа туғишганими) ноаниқлигича қолади. Шунданми, дунёга келган ҳомиланинг чиндан ҳам мазкур ота-онанинг «ксеронусхаси» эканлигини аниқлашда трио-режа ходимлари сукут сақламоқдалар.

Олимларнинг фикрича, клонлаш асосида дунёга келган ҳайвонларда генларнинг фаолияти бузилиб, дейлик, муайян ген қайси пайтда ишлаш хотираси издан чиқади. Туғилганда унинг ташқи кўриниши гўё нормал бўлса ҳам кейинчалик ҳар хил генетик касалликларга мойиллиги оддий ҳайвон боласидан юқори даражада эканлиги кузатилган. Олимларнинг бир гуруҳи инсонни клонлаштиришга қарши бўлсалар ҳам лекин келгусида айрим касаллик ёки фалокат туфайли одам организмида ишдан чиққан айрим ҳужайра, тўқима, аъзоларни сунъий равишда ўстирилганлари билан алмаштиришда фойдаланиш мумкин, демоқдалар.

Америкада табиат музейи ходимлари томонидан жамоатчилик фикрини билиш учун сўров ўтказилганда, аҳолининг 92 фоизи одамни клонлаштиришга қарши чиқиб, улар уй ҳайвонларини ҳам сунъий равишда кўпайтиришга қатъий равишда рад жавобини бердилар. Лекин шундай оилалар борки, улар бефарзанд ёки бирор касаллик ё бошқа сабабларга кўра фарзандидан айрилган. Улар зурриётлар қолдиғидаги ДНК асосида клонлаш усули орқали фарзандларининг «ксеронусхалари»ни кўришни орзу қилмоқдалар.

Нима бўлганда ҳам АҚШ ва Англия ҳукуматлари одам эмбрионини икки ҳафтагача фақат илмий ишлар учун клонлаштиришга рухсат берди.

Клонлаш асосида одам боласини Тангри яратганидай мукаммал дунёга келтириш мумкин эмаслиги, бу ишларнинг инсоният учун хатарли жиҳатлари кўплиги, этик-ахлоқий томонлари қоронғи бўлганлиги учун, бизнингча, клонлаш «жин»и ҳали хумда ўтириб тургани маъқул.

**Муҳсин ВАЛИХОНОВ**

